

## ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА БЮДЖЕТ БЎҒИНЛАРИ ЎРТАСИДА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ТАҚСИМЛАШГА ЁНДАШУВ ВА ҚАРАШЛАР

*и.ф.д. Исламқулов Алимназар Худжамуратович,  
Тошкент молия институту*

ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0001-9479-649X>

Publons Academy ID: <https://publons.com/researcher/4407548/alimnazar-islamkulov/>  
<https://www.researchgate.net/profile/Alimnazar-Islamkulov>

**Аннотация.** Мақолада мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги босқичида мамлакат бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқ тушумларини улушли тақсимлашга назарий ёндашувлар тадқиқ қилиниб, муаллифлик ёндашув ва қарашлари баён этилган.

**Калит сўзлар.** Давлат бюжети, давлат бюджети даромадлари, солиқлар, солиқ тушумлари, улушли тақсимлаш.

**Қириш.** Замонавий шароитда дунё иқтисодиётида рўй бераётган воқеа-ходисалар, хусусан, иқлим ўзгариши натижасида вужудга келадиган ижтимоий масалаларга барҳам бериш, давлатлар ўртасида сиёсий тарангликлар натижасида юзага келаётган иқтисодий йўқотишларни қоплашда давлат бюджетидан кенг фойдаланилди. Жумладан, «иқтисодий таназзул ва иш ўринларини йўқотишнинг олдини олишда давлат бюджетини орқали кенг қўллаш молиявий ёрдамнинг янада жиддий тус олди. Шу билан бирга, бундай қўллаб-қувватлаш, даромадларнинг пасайиши билан бирга, даромад даражасидан қатъий назар, мамлакат гуруҳлари бўйлаб давлат тақчиллиги ва қарзларини мисли қўрилмаган даражага олиб келди. 2020 йилда ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотга

нисбатан ўртача тақчиллик 11,7 фоизни, ривожланаётган бозорларда 9,8 фоизни,

паст даромадли ривожланаётган мамлакатларда 5,5 фоизни ташкил этган. 2021 йилда бюджет тақчиллиги қисқариши, даромад даражаси биров тикланиши ва кучли ишсизликка барҳам берилиши прогноз қилинган» [1].

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат бюджетини даромадлари барқарорлиги, турли даражадаги бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш, ҳудудларнинг нотекис даромадлилик даражасидан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий неъматлар билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожланиб бориши билан ҳудудлар маҳаллий бюджетларининг юқори турувчи бюджетга қарамлигини пасайтириш, "Дотациядан чиқиш дастури", "Ҳудудларнинг субвенция қарамлигини пасайтириш"нинг аниқ манзилли чоралари қўрилган ва изчиллик билан амалга оширилган. Мамлакат тараққиётининг янги босқичида иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, Айниқса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, бюджет дефицити ва инфляция даражасини

умумқабул қилинган меъёрларда бўлишига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Материал ва метод.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мазкур йўналишда қуйидагиларни таъкидлайди: «иктисодийда юқори ўсиш суръатларига эришиш учун, аввало, макроиктисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш чоралари амалга оширилади. Шунингдек, бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга биринчи даражали эътибор қаратилади. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юқини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича бошлаган ислохотларимизни қатъий давом эттирамиз» [2]. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш кўп жиҳатдан бюджет тизими бюджетлари ўртасида солиқли тушумларни тақсимлашни такомиллаштиришни, хуудлар ихтиёрида қолдириладиган қўшимча даромад манбалари келгусида потенциал солиқ тўловчиларни шакллантиришга йўналтириш муҳим ҳисобланади.

Республиканинг келгуси Тараққиёт стратегиясида “миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида а) 2022 йилда йиллик инфляция даражасини 9 фоизгача ва 2023 йилда 5 фоиз ҳамда фискал тақчилликни 3 фоизгача пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаш; давлат улушига эга тижорат банкларида

трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш; б) 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида фойда солиғи ставкаси 15 фоизгача тушириш; в) «Яшил иқтисодий» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўриш» вазифалари белгиланди [3].

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ тушумлари бўлиб, бунда барқарор молиявий базани яратиш учун уларнинг бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида оқилона тақсимланишини таъминлаш муҳим саналади. Солиқ тушумларини тақсимлашни назарий асослашда икки хил ёндашув: бир томондан, солиқ ва йиғимларнинг давлат бюджетига ўз вақтида тушишини таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш зарур. Бунинг натижасида, давлат бюджети, айниқса хуудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда давлат бюджети маблағларидан кенгроқ фойдаланиш, бунинг учун маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади [4].

Хорижий илмий адабиётларда давлат бюджети даромадларини шакллантириш масаласида солиқларни бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимлашга алоҳида эътибор берилади. Ушбу муаммо ўтган асрнинг 50-йилларидан

бошлаб олимлар ва амалиётчилар томонидан кўтарилган. Давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, солиқларни тақсимлаш биринчи навбатда Германия, АҚШ, Япония, Россия, Швейцария, Аргентина каби федерал давлатларида амалда қўлланилган [5]. Дунёнинг федерал давлатлари учун солиқ тушумларини бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлаш муаммоси 21-асрда устувор истиқболли муаммолардан бирига айланди. Бюджетни номарказлаштириш жараёнида кенг жорий қилинаётган унитар давлатларда ҳам сўнгги йилларда солиқ тушумларини бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлашга қаратилган тадқиқотларнинг долзарб муаммосидан бирига айланган [6].

**Натижа.** Глобал ёндашув нуқтаи назаридан солиқ тушумларини тақсимлаш механизмнинг самарадорлиги бевосита бюджет барқарорлиги ва бюджетларнинг молиявий хавфсизлигини оширишга хизмат қилиши билан баҳоланади. Фикримизча, барқарор даромадлар барча даражадаги ҳокимият органларининг самарали ва натижадор ишлаши учун шарт-шароитларни таъминлаши мақсадга мувофиқ. Турли даражадаги бюджетлар даромадларини барқарор шакллантиришнинг минимал талаби бюджет даромадлари миқдори уларнинг харажатлар мажбуриятларига тўғри келиши, белгиланган солиқ ва бож тушумларининг тегишли бюджет бўғинига мунтазам равишда келиб тушиши билан боғлиқлиги илгари сурилади [7]. Кенгрок маънода, даромадларни ҳудудлар ўртасида самарали тақсимлашга эришиш учун бюджетларнинг мустақиллигини (молиявий мустақиллигини) таъминлаш зарур. Илмий

нуқтаи назардан “маҳаллий бюджетлар харажатлари ҳажмининг молиявий мустақиллик даражасига ва ушбу бюджетларни бошқариш бўйича ваколатли органларнинг ваколатларига мос келмаслиги аксиомаси шаклланган” [8]. Бюджет тизими бюджетлари даромадининг етарлилиги ва барқарорлигига турли йўللار билан эришиш мумкин. Шубҳасиз, молиялаштириш усули турли даражадаги бюджетларнинг мустақиллик ва барқарорлик даражасини белгилайди. Сўнгги йилларда илмий жамоатчилик вакиллари “молиявий мустақиллик, ҳудудларнинг бюджет барқарорлиги ва марказсизлаштириш даражаси нафақат ҳукукий мақом, балки молия соҳасидаги ваколатлар билан ҳам белгиланишини таъкидлаб келадилар”[9]. Тадқиқотлар кўрсатишича, уларга кўра даромадларни бюджет тизими даражалари ўртасида самарали тақсимлаш ички молиявий захираларни сафарбар қилиш ва қўшимча даромад манбаларини излаш орқали барқарорликни таъминлашдан иборат [10]. Янги солиқлар (йиғимлар) ёки амалдаги солиқлардан чегирмаларнинг қўшимча ставкалари ички захираларнинг асосий манбалари сифатида қаралади. Айрим тоифа олимлар фикрича, “солиқ тушумларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида самарали тақсимлаш даромад манбаларини тақсимлаш усулларини ўз вақтида ўзгартириш билан боғлиқ бўлади”[11].

Фикримизча, келгусида давлат молиясини, хусусан, бюджет тизими бюджетлари барқарорлигини таъминлашда бюджет бўғинлари ўртасида солиқ тушумларини тақсимлашда ҳаракатчанлик, фаоллик, экспортга яроқлилик, самарадорлик, барқарорлик, мажбуриятлар

хавфсизлиги, аҳоли фаровонлиги ва номуносиватлик кўрсаткичлари бўйича стандартларни белгилашни муваффақиятли қўллаш муҳим бўлиб, бунда маъмурий-ҳудудий бирликлари учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

– солиқ тушумлари билан статистик боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар (турлари бўйича) реестрини шакллантириш;

– солиқ салоҳияти таркибига кирувчи ва унга таъсир этувчи кўрсаткичлар реестрини шакллантириш;

– солиқ имтиёзлари, преференциялари каби молиявий чегирма меъёрларини ўз вақтида тузатиш учун статистик ва прогноз маълумотларини доимий мониторинг қилиш.

**Мунозара.** Изланишлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, солиқ тушумларини тақсимлаш механизми давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, яъни бюджетлараро муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва даромад ваколатларини белгилаш билан боғлиқ бошқарув тизимини назарда тутди. Шу боис, солиқ тушумларини тақсимлаш механизми нафақат турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги солиқ стандартлари орқали янги муносабатларни белгилайдиган аниқ методологияни яратиш, шу билан бирга солиқ тўловларини тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик базасини ишлаб чиқиш билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ. Солиқ ваколатлари - тақсимлаш механизмининг ҳуқуқий таъминлаш мезони ҳисобланади. Турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида янги стандартларни жорий этиш даромад ваколатларини белгилаш билан боғлиқ

бўлиб қуйидаги асосий муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради:

1) белгиланган стандартларнинг ҳажми маҳаллий бюджетларнинг баланслиги ва хавфсизлигини таъминлаш;

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий бюджетларга умумдавлат солиқлардан ажратмалар меъёрлари маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигига қараб белгиланишини йўлга қўйиш;

3) маҳаллий бюджетларнинг юқори турувчи бюджетларга қарамлигининг ҳанузгача юқорилиги ҳудуд солиқ салоҳияти ва солиқ маъмуриятчилигига кизиқишнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

**Хулоса.** Юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Солиқ ва бюджет қонунчилигига "солиқ тушумларини тақсимлаш механизми"ни киритиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотларга кўра, "солиқ тушумларини тақсимлаш механизми" кенг маънода молиявий механизмнинг бир қисми бўлиб, ундан фойдаланиш даромадлар ваколатларининг бажарилишини ва уларнинг тўлиқ, ўз вақтида тегишли бюджет тизими бюджетларига тушишига эришиш; тор маънода бюджетлараро муносабатларни бошқариш механизмининг бир қисми сифатида даромад манбалари (биринчи навбатда солиқ ва трансфертлар) ўртасида оптимал нисбатга эришиш муҳим саналади.

2. Солиқ тушумларини тақсимлаш жараёнининг мазмуний қисмидан келиб чиқиб, иккита асосий позицияни ажратиш ўринли бўлади: 1) солиқ тушумларини тақсимлаш механизми даромад

ваколатларини амалга оширишда турли даражадаги ҳокимият органлари тақсимлаш муносабатларини бошқариш жараёни сифатида қараш мумкин; 2) бошқа томондан, солиқ тушумларини тақсимлаш механизми бюджетларнинг солиқ тушумларини шакллантириш жараёнида бюджетлараро муносабатларга таъсир қилиш воситалари, усуллари, воситалари, ҳуқуқий ва ахборот-услугий таъминотни ўз ичига олган мажмуидир.

3. Илмий адабиётларда солиқ даромадларини тақсимлаш механизми кўпинча солиқ федерализмига мос келади. Шунингдек, солиқ тушумларини тақсимлаш механизми солиққа тортиш элементлари ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида белгиланадиган солиқ механизми билан белгиланади. "Солиқ тушумларини тақсимлаш механизми"ни таърифлашдаги жиддий камчиликлар унинг муайян солиқ элементлари ва бюджетлар ҳажмини бошқаришни назарда тутувчи амалий жиҳатлардан ёки назарий жиҳатдан

аниқланганлигидир. Механизмнинг моҳиятини кўриб чиқишда муаллифлар солиқлар билан ўзаро боғлиқ бўлган бюджетлараро муносабатлар воситасини - текин тушумларни ҳисобга олмайдилар. Аммо солиқ тушумлари ва трансфертлар ҳажмини тақсимлашдан мақсад барча даражадаги бюджетларнинг даромад қисмини уларнинг мутаносибликка эришишдан иборат. Шу муносабат билан, солиқ тушумларини тақсимлаш механизми солиқ стандартлари ва ўтказмалар ҳажмининг оқилона ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ комбинацияси билан боғлиқ.

Юқорида айтилганларнинг барчаси "солиқ даромадларини тақсимлаш механизми" тушунчасини математик жиҳатдан асосланган тақсимлаш мезонларига асосланган воситалар, усуллар, ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий таъминот мажмуи сифатида аниқлаштиришга имкон берди, улардан фойдаланиш давлат ва муниципал ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.imf.org/ru/Publications/FM/Issues/2021/03/29/fiscal-monitor-april-2021>
2. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // *Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи.* <https://president.uz/uz/lists/view/4743>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон
4. Карпова Г.Н. Проблемные вопросы распределения налоговых поступлений по уровням бюджета // *Экономика: вчера, сегодня, завтра.* – 2016. - №8.- с.243-256. <http://publishing-vak.ru/file/archive-economy-2016-8/22-karpova.pdf>



5. Graham J.R. Taxes and Corporate Finance // Handbook of Empirical Corporate Finance. - 2008. – № 2. – p. 59-133
6. Shah A. The Reform of Intergovernmental Fiscal Relation in Developing and Emerging Market Economies / A. Shah. – The World Bank. – 1994.;
7. Sobarzo, H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system / H. Sobarzo //Helen Kellogg Institute for International Studies.–Working Paper № 315. – 2004. – 31 p.;
8. Solanko L., Tekoniemi M. (2005). To recentralize or decentralize – some recent trends in Russian fiscal federalism. BOFIT Online, No. 5.;
9. Islamkulov A.Kh. Распределение налогов между бюджетами бюджетной системы для обеспечения межбюджетной сбалансированности //International Journal of innovative technologies in economy. Scientific edition. 7(19), August 2018. Warsaw, Poland. – Pp.25-29. [Index Copernicus](#) (GIF - **86.82**). DOI: [https://doi.org/10.31435/rsglobal\\_ijite](https://doi.org/10.31435/rsglobal_ijite).
10. Европейская хартия местного самоуправления от 15 октября 1985 года - г. Страсбург: [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_20361](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_20361)
11. Яшина Н.И., Гришунина И.А. Совершенствование теоретических и практических основ оценки финансового состояния и качества управления бюджетами в целях повышения эффективности управления финансовыми ресурсами территории // Финансы и кредит. – 2006. – № 4. – С. 4;
12. Dexter W.D. Business versus non business distinction under uniform division of income for tax purpose act // Urban lawyer . -1978. - №10. – p.243-265;
13. Edward J. Balistreri & Russell H. Hillberry & Thomas F. Rutherford Trade and Welfare: Does Industrial Organization Matter? // Economics working paper series. – 2009. - № 09/119.
14. Бадмаев С.Х. Налог на доходы физических лиц в формировании доходов регионального бюджета // Налоговая политика. – 2008. - №5. – с.35- 47;
15. Журавлева Т.А. Особенности формирования налоговых доходов бюджетной системы регионов Российской федерации // Налоговая политика Российской Федерации в современных условиях: сборник научных статей – М.: Финансовый университет при правительстве РФ. - 2014. - 239с.;
16. Dostal J. The Influence of the Type of Replacement Wage on the Economic Value of Volunteering: Emergencies in the Czech Republic.
17. Špalková, D., Matějová, L. (Eds)// Proceedings of the 18th International Conference: Curent Trends in Public Sector Research. - 2014. - Brno: Masaryk University, - p.232-240.
18. Васюнина М.Л. Совершенствование управления доходами бюджетов в Российской Федерации // Финансы и кредит. – 2015. - №5. – с.37- 45